



# ТИНЧЛИК — ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

Тинчлик, осойишталик — энг улуғ неъмат. Мустақил юрт, муқаддас остана, азиз Ватанини ёвуз кучлар ва ёмон кўзлардан сақлаш ҳар бир инсоннинг виждоний бурчидир.

Андижон шаҳрида содир этилган мудҳиш босқинчилик ҳаракатлари барча тинчликпарвар, юртпарвар инсонларнинг қаҳр-ғазабини уйғотди, осойишталик қадрини янада теранроқ аңлатди. Бир тўда ғаламис кимсаларнинг калтабинлиги, эртани кўролмайд хомхаёл билан амалга оширган бузғунчилиги оқибатида бегуноҳ кишиларнинг ҳаётдан кўз юмганлари кечирилмас гуноҳдир.

Бугун ҳамшаҳарларимиз халқимиз ғазабига учраган кимсалар ҳеч қачон ниятларига етолмасликлари, юртимиз, халқимиз тинчлигини сақлаш учун ҳамisha тайёр эканликларини айтиб таҳририятимизга қўнғироқ қилмоқдалар, муктаблар йўлламоқдалар. Огоҳликка, хушёрликка чорловчи учрашувлар маҳаллаларда, корхона, ташкилот ва ўқув юртларида ўтказилиб, уларда ҳамюртларимиз мазкур ғаламислик ҳуружларига ўз муносабатларини билдирмоқдалар.

## ● Фотиҳ АСҚАРОВ, Хувайдо маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари наинки маҳалламиз ахлини, балки шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир кишини чуқур қайғуга солди. Хурликни, тинчликни, юрт қамоли, порлоқ истиқбол йўлидаги эзгу қадамларни кўролмаётган бир тўда ғаламислар хайрли ишларимизга раҳна солмоқчи бўлди. Хуш, уларнинг мақсадлари нима эди?

Сўнги йилларда Қирғизистонда давом этган нотинчлик, турли можаролар — Жаллобод, Ўш ва ниҳоят, Бишкекда бўлган воқеалар ҳаммамизга маълум. Уларнинг таъсири ҳали тингани йўқ.

Фарғона водийсида, хусусан, Андижон вилоятида ўрин толган ақидадараста, экстремистик гуруҳлар мана шу фурсатдан фойдаланиб, Андижон шаҳрида ўз қора ниятларини амалга оширишга уриниб кўришди.

Лекин ҳар қандай соғлом фикрли одамга кундек равшанки, ганимлар ҳеч қачон шум ниятларига ета олмайдилар. Мустақил диёримизда турли миллат вакиллари ягона мақсад сари, бир оиладек эртанги нурули кун учун тинч меҳнат қилмоқдалар. Одамларимиз ҳам татомола янги, соф фикрлар билан, юртига, Президентига буюк эҳтиром ва эътиқод, катта ишонч билан яшамокда. Юракда бир гурур билан айта оламани, ўз йўлини топиб олган хур фикрли ватандошларимизни ҳеч ким, ҳеч қачон тўғри йўлдан чалғита олмади. Буюк мақсадли, олижаноб фазилатли инсонларни, келажак сари дадил интилаётган юртни эса ҳеч қандай қуч ёнғолмайди.

● Абдурашул НОРТОВЕ, «Норуд» акциядорлик жамияти ишчиси, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби:

— Кунни кеча Андижон шаҳрида бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар барча ҳамюртларимизнинг қалбини ларзага солди. Кўшни худудлардаги нотинч вазиятдан фойдаланиб, Андижонда ҳам халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ағдарishi ва бу ерда мусулмон халифалиги деган афсона давлатнинг бир шохобчасини ўрнатиш мақсадида бўлган бир гуруҳ экстремистларнинг ҳатти-ҳаракатлари оиламиз аъзоларини ҳам, жамоамиз ахлини ҳам ғазаблантирди. Фақат хоин, сотқин кимсаларгина ўз юртига, ўз ватандошларига кўл кўтаради, уларнинг дилини вайрон этди.

Ахир улар бундай ножоиз ҳатти-ҳаракатлари, калтабинлик билан амалга оширмоқчи бўлган ғаразли ниятлари эвазига тинчлигимизни ўғирлаб, бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиб нимага ҳам эриша оларди? Фақатгина эл-юртнинг чексиз ғазаб ва нафратига, бевақт вафот этган юртдошларимиз яқинларининг қаҳрига дучор бўлдилар холос.

Миллионлаб юртдошларимиз ҳалол меҳнатлари орқали юртимиз эртасини, фарзандлари келажакни яратишмоқда. Лекин меҳнатдан қочиб, ғойибдан бахт қутганлар меҳнат қилиб, тер тўкиш ўрнига кўп нарсаларга осонликча эришиш йўлини излаб хато қилишмоқда. Буни бугунги кунимизнинг ўзи исботлаб турибди.

Ўйлаб хаёлга толасан. Наҳотки кимларнингдир ногорасига ўйнаётган кимсалар билагидаги кучини, юрагидаги ўтини юртни яшнатишга эмас, балки вайрон этишга, ўз ватандошликни жонини қурбон қилишга сарфласа?! Президентимиз ибораси билан айтганда, «чучварани хом санаган» бу ғаразли кимсаларнинг қилмишлари кечирилмасдир.

Давоми. Боши 1-бетда.

Ишончимиз қимлик, Андижонда рўй берган воқеаларга анча олдиндан тайёргарлик кўрилган. Президентимизнинг таъбири билан айтганда, воқеалар режасини тузиш ва уни амалга оширишда минтақамизда, илдиэ отган турли диний экстремистик марказларнинг бевосита иштироки бор. Чунки бирон бир давлатда рўй берган ички можаро ўша мамлакат ҳудудида ҳеч қачон қолиб кетмаган. У ўта юқумли касал сингари кўшни давлатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган. Андижон вилоятида пайт йўлаб турган қора кучлар ўзгалар билан бирлашиб, ана шундай сценарий асосида иш кўрмоқчи бўлишди. Улар Қирғизистон каби Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимият заифлик кўрсатади, деган хомхаёлга бо-ришди. Террор йўлига кирган бу шумғияларнинг мақсади Андижонда халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ағдарishi, бу ерда мусулмон халифалигини тузишдан иборат эди. Уларни ўз юртига, ўз шаҳрига, ўз оиласига содиқ маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватламади.

Мамлакатимиз раҳбари ўшаларнида жонини асрамоқчи бўлдилар. Одамлар тинчлигини, бегуноҳ қонлар тўқилмаслигини ўйлаб, уларнинг мамлакат тинч йўл билан қичиб кетишига иш бердилар. Лекин бу манкуртлар бу имкониятни ўзларига лозим кўришмади. Чунки уларнинг ҳомийлари бунга йўл қўймади.

## ВАТАН ТУЙҒУСИ МУҚАДДАС

Халқ тўлқин, халқ куч. У бирлашса ҳар қандай балони даф эта олади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Террорчилар гуруҳи даф бўлди. Аммо биз бундай ғалаба туйғусидан йироқдамиз. Негаки Андижон воқеаси нафақат маҳаллий аҳолининг, балки бутун ўзбекинг фожеаси бўлди.

Бу мудҳиш воқеалар бизни янада хушёр торттирди. Фуқароларимизда демократик тафаккур тарзини юксалтириш масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини исботлади. Зеро, демократик тафаккур жамиятнинг ҳар қандай диний ақидадарастлик оғуси таъсиридан фориғ этишга қодир.

Хаёт ўз йўлида давом этмоқда. У бизни бугунги кунимизга зийрак кўз билан қарашга ундамоқда. Лоқадлик балосидан бутунлай қутлишга даъват этмоқда. Тинчлик ва осойишталик ҳар бир халққа, ҳар бир инсонга дахлдор эканлигини янада чуқурроқ ҳис этишга қорламоқда.

Қарангки, буюк бобомиз ҳазрат Навоий ўз замонида «Олам аҳли билингиз иш эмас душманлиғ, ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иш» деб беҳиж башорат қилмаган эканлар. Қанча йиллар ўтибдики, бугун ҳам бу сўзлар ўзбек халқининг қалб садосидек жаранглаб турибди. Аслида ҳам мақсадимиз тинчлик, Оллоҳ берган буюк неъмат — озодлиқни жон қадар асраш. Биз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур уларнинг буюк зотларнинг авлодлари эканлигимиз билан фахрланамиз. Бу улуғ аждодларимизнинг ворислари сифатида халқ ва миллат шаънини пок асраб яшамасак, уларнинг руҳи олдида хиёнат қилган бўламиз. Зеро, Президентимиз айтганларидек, «Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз». Қалбимизда ғурур ва билагимизда кучимиз бор экан, бизни ҳеч ким қўрқита олмади. Улуғ мақсад йўлида дадил одим отишимизга ҳеч ким тўқинлик қила олмади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

## ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН ҲАММАМИЗ ЖАВОБГАРМИЗ

Андижон шаҳрида ҳаёт ўз маромига тушди. Тартибсизликлар оқибатлари бартароф этилмоқда. Барча корхона ва ташкилотлар, жамоат транспорти ишламоқда.

Андижон фуқаролари жангариларнинг ҳаракатларини кескин қораламоқда. Улар заминимизда барқарорлик ва осойишталикни сақлаш учун касби ва ёшидан қатъи назар ҳамма жавобгар деб ҳисобламоқда, чунки мустақиллик Ўзбекистон халқига берган энг азиз неъмат — тинч ва осуда ҳаётдир.

Камчибек КЕНЖА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси:

— Экстремистлар гуруҳи содир этган жиноят ҳаммамизни ларзага солди. Улар уюштирган қиргин натижасида бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Узини пана қилиш учун аёллар ва болалардан фойдаланиш — ўтaketkan қаҳотат. Бу ўзининг меҳнатқилиғи, маданияти ва маънавияти билан танилган вилоят аҳолисининг обрўсига доғ туширди. Мен дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман ва айтишим мумкинки, бу нобақорлар шундай аjoyиб диёримизда яшаётгани, бу ерда кўрган яхшиликлари учун Оллоҳга шукр қилиши керак эди, аммо улар она Ватанга хиёнат қилди.

Хосиятхон ДАДАБОВЕВА, «Хур-

сандлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Тартибсизликлар бошланган кун Андижонга эрталаб Президент Ислол Каримов етиб келди. Давлатимиз раҳбари шаҳар жамоатчилиги билан учрашди, одамларни қўллаб-қувватлади, республиканинг ҳар бир фуқароси ҳаёти учун жавобгар эканлигини айтди. Бу бизга куч ва далда берди. Андижонликлар экстремистларга эргашмади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Жангарилар нимага ишонганди?

Улар бизни қўрқувга тушади, ҳамма нарсани ташлаб бизга эргашиб кетаверади, деб ўйлаганими? Уларнинг қора ниятлари барбод бўлди. Ҳаммамиз кўриб турибмиз, Ўзбекистонда ҳаёт кундан кунга яхшиланмоқда. Мустақиллик йилларида халқимиз кўп нарсасга эришди.

Хали мавжуд муаммоларни эса тинч йўл билан, оилаларимиз ва Ватанимиз раванки йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб ҳал этиш мумкин. Аминманки, қонли отишмани уюштирган жиноятчилар муносиб жазосини олади.

Маҳаммадхон ИСМОИЛОВ, «Ал-Бухорий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламиз ҳужум уюштирилган жазони ўташ муассасасига яқин ерда жойлашган. Маҳкумлар қўлларига қурол олишни исташмади, аммо уларни мажбур қилишди. Босқинчилар бегуноҳ одамларни ўлдириб, автомобилларини эгаллаб олганига гувоҳ бўлдик.

Қийин вазиятда, айрим давлатлар раҳбарларидан фарқли ўлароқ, Президентимиз ёнимизда турди, халқ билан бирга бўлди, муаммони ҳал қилиш йўлларини белгилаб берди. Экстремистларнинг ҳаракатларини ҳеч ким қўллаб-қувватламади. Бу табиий, чунки халқимиз бугун кимнинг аслида ким эканини яхши билади.

Саид ШУКУРОВ,  
Ўза муҳбири

\*\*\*

Бир гуруҳ жангариларнинг 13 май кун Андижон шаҳрида содир этган хунрезликлари барча юртдошларимиз қатори менинг ҳам қалбимда изтироб туйғуларини уйғотди.

Мен бундай ақидадараст кимса-

ларнинг жоҳил башарасини илк бор 1991 йили Наманганда шу каби мудҳиш фожиалар рўй берганда кўрганман. Бу ёвуз террорчилар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ: улар на динни, на ота-онани, на фарзандни билади. Акс ҳолда, одамларнинг қонини тўкишдек гуноҳи азимга қўл урадиларки, болалар, аёллар ва кексалардан «жонли қалқон» ясаб, уларнинг ҳаётини ҳавф остига қўйиб, ўз жонини асрашга уринармиди. Бундай номардикларни кўриб, «Ё алҳазар!» демокдан бошқа иложинг қолмайди.

Президентимиз Ислол Каримовнинг жасорати ва қатъиятига яна бир бор тан бердим.

Юртбошимиз, худди Наманганда бўлганидек, фожиали воқеалар бошланиши билан, эрта тонгдаёқ Андижонга етиб келдилар. Вазиятни изга солишга қаратилган барча ишларни вазминлик билан, пухта ўйлаб амалга оширдилар. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, можаро барҳам топди, одамлар учун азиз неъмат — тинч ва осойишта ҳаёт изга тушди.

Босқинчилар ҳақли равишда халқимизнинг қаҳру ғазабига учради. Зеро, халққа, миллатга қарши борган, манфур ниятлари йўлида аёлу болаларни қалқон қилганларнинг бу дунёю у дунёси ҳароб бўлди...

Ҳабиб САДУЛЛА,  
Ўзбекистон халқ шоири  
Ўза

**Иқтисодиёт**

**ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ**

Шаҳримизда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг кўпчилиги ҳамкорлик асосида маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда ички бозоримизни сифатли, харидорбон махсулотлар билан тўлдиршига эришганлиги эътиборга лойиқдир.

2001 йилда ташкил этилган "Kalifat" масъуляти чекланган жамияти цехлари асосан "Тошкент тўқимачилик комбинати" ҳамда вилоят пахта заводларидан шартнома асосида келтириладиган паст навли пахтага қайта ишлашга ихтисослаштирилган.

— Мини завод ҳисобланган техник линиямиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Муҳиддин Шодибоев, — анча эскирганга қарамай, тажрибали, қўли гул ишчи-хизматчиларимизнинг изланишлари, касб-маҳоратлари тўғрисида унинг маълум қисмлари янгиликларга алмаштирилди. Барча дастгоҳ ва ускуналар талаблар даражасида бўлишига эришганмиз. Соатига 320-350 килограмм пахта тозаланиб, тайланиб, сотувга чиқаришга тахт қўлинади.

Мазкур корхонада қайта ишланган пахта шаҳримиздаги деярли барча қурилиш ҳамда мебель дўконларида сотилмоқда. Айни кунларда эса жамият тадбиркорлари ишни узлуксиз ташкил этиш учун янги-янги ҳамкорлар топиш мақсадида саёй-ҳаракатлар олиб бормоқдалар.

**САНЪАТ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗМОҚДА**

Инсон яралибдики, гўзаллик ошуфтаси, ўзи ҳам доимо гўзаллик яратишга интилади. Айниқса, халқ амалий санъатининг доврғини дунёга таратишда, ёш авлоднинг хунармандчилигимизга меҳр-муҳаббатини уйғотишда ёғоч ўймакорлиги усталарининг ўрни бекиёс.

Шерзод Ҳакимовнинг ёшлигидан бир-бирини тақрорламайдиган шарқ жиловини кўз-кўз қилиб турувчи нақшлар чиқишга ҳаваси уйғонган бўлиб, ёғочга ўйилган бетакрор нақшлар уни тобора мафтун қилди. Оддий ҳавас бора-бора хунарнинг миридан сиригача билган устозларнинг ўғитларини ўрганишига кенг йўл очди.

Бугунги кунга келиб у Халқаро "Олтин мерос" жамгармаси қошидаги Абдулқосим мадрасасида мустақил равишда иходий меҳнат қилмоқда. Шерзоднинг бир, икки табақали эшиклар, лавҳ, стол, курси, сандиқ, кутичалар каби ажойиб махсулотлари ҳақиқий санъат даражасига етказилган буюмлар сирасига қиради. Хунарнинг нозик сирларини эгаллашда ёш устозга кунт, билим, сабр-чидам ва албатта, касбига бўлган меҳр қанот беради.

Қувонарлиси, бугунги кунда Шерзод Ҳакимов назарий билимларини ошириш мақсадида Низомий номидagi Тошкент Давлат педагогика университетининг бадий графика факультети сиртки бўлимининг 3-курсда таҳсил олмақда. Уста кўплаб кўрик-танлов, ярмаркаларда ўзининг меҳнати махсули бўлган амалий санъат асарларини намойиш этиб келмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**Кўрғазмалар**

**ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА**

Кеча шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўрғазмалар марказида «Нефть ва газ» (OGU — 2005) тўққизинчи халқаро кўрғазмаси ва «Кончил, қазиб олиш ва қончиллик намуналари — Mining World Uzbekistan 2005» биринчи халқаро кўрғазмаси ўз ишини бошлади.


Марказий Осиёдаги нефть ва газ соҳаси ривожиди, бу борада Ўзро манфаатли алоқаларнинг мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутувчи мазкур йирик кўрғазмалар доирасида «Геодинамика ва Марказий ва Шарқий Осиё хавзаси углеводород салоҳияти» ҳамда «Замонавий технологиялар: иқтисодиёт ва табиий газдан синтетик ёқилғи олиш истиқболлари» мавзуларида халқаро илмий-техникавий конференциялар ҳам бўлиб ўтди.

Кўрғазмалар «ITE Uzbekistan» компанияси, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Савдо-саноат палатаси, ITE Group PLC (Буюк Британия) халқаро савдо-кўрғазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Аввало шуни айтиш керакки, юртимиз юқори

нуфузли бундай кўрғазма ўтказиладиган маскан сифатида бежиз танланмаган. Зеро, Ўзбекистон катта нефть-газ салоҳиятига эга. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, юртимизда 2000-2004 йилларда углеводородларнинг 18 та янги қони очилди, 136 та қонда табиий газ захиралари мавжудлиги аниқланган бўлиб, шундан 59 тасида амалий ишлар татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз нефть-газ саноатида ўн та қўшма корхона ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Кўрғазмаларда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Голландия, Хитой, Украина, Франция каби 16 мамлакатдаги юздан ортиқ етакчи фирма ва компаниялар қатнашаётган бўлиб, нефть ва газни қазиб ва қайта ишлаш, нефть-газ саноати асбоб-ускуналари, нефть ва газни етказиб бериш, геофизик хизматлар, лойиҳа тадқиқотлари ва лойиҳалаш, қурилиш ишлари, ин-



жиниринг ва консалтинг, нефть-газ қонларида сервис хизматини кўрсатиш, дастурий таъминот каби асосий йўналишларга бўлинган. Хар иккала кўрғазмада нефть ва газни қазиб олиш ва тўлиқ қайта ишлашни интенсификация қилиш замонавий технологиялари қатта ўрин ажратилган.

Уйлаймизки, «Нефть ва газ» ҳамда «Кончил, қазиб олиш ва қончиллик ускуналари - Mining World Uzbekistan 2005» халқаро кўрғазмалари қатнашчилар учун нефть-газ ва янги қонларни ўзлаштириш соҳаларида ўзро манфаатли асосларда амалий алоқалар ўрнатилуш учун ўзига хос омил вазифасини ўтайди.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТЛАРДА:** кўрғазмалардан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар.

**2005 — Сухайт-саломатлик йили**

**БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ**

«Сухайт-саломатлик йили» давлат дастури ижроси йўлида ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ўсиши, ўрта таълим ўқув юртлири ўқувчиларининг санитария-гигиена асосларидан хабардор бўлиб биринчи тиббий ёрдам беришни билишлари, ҳуқуқий онглари ошириш каби қатор йўналишлар бўйича кўрик-танлов ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда.



Хусусан Қизил Ярим Ой жамияти Чилонзор туман кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими ва туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси «Камолот» ЕИХнинг туман Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасидан ҳам айнан юқоридаги мақсадлар кўзланди.

Мусобақа туман ҳудудидида жойлашган шинам Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўқувчиларнинг фаолиги, қувнок ўйин-қулги, мусобақа шартларини бекаму кўст бажарилиши билан ниятда серзавқ ўтди.

— Кўриқда туманимиздаги 10 та мактаб ўқувчилари ўз билимларини синовдан ўтказмоқдалар, — дейди Қизил Ярим Ой жамиятининг Чилонзор туман кенгаши раиси Жамила Бегматова. — Улар сафда туриш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморга қараш, доривор ўсимликлар ва уларни қўллаш каби 8 та шарт бўйича куч синашадилар. Ўқувчиларга бу борада мактабларда 36 соатлик ўқув дастурида кўрик-ма берилган. Бундан ташқари ҳар бир мактабдан 7 тадан деворий газеталар бўйича ҳам кўрик-танлов ўтказилди.

Мақсадимиз вояга етиб келаётган ҳар бир ёшни тўсатдан содир бўладиган воқеа-ҳодисаларда шошиб қолмаслиги, керакли билим ва тарбияга ўргатишдир.

Мусобақа иштирокчилари имкон борича ўз мактабларининг голиб бўлишига хисса қўшишга ҳаракат қилдилар. «Саломатлик ёш дўстлари» мусобақасининг туман босқичи голиблари ҳакамлар томонидан аниқланди. Унга кўра биринчи ўринни 271, иккинчи ўринни 4-интернат, учинчи ўринни 90-мактаблар эгалладилар. Деворий газеталар кўрик-танлови голиблари ва барча иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Мирзо Улуғбек тумани ўрта умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Тумандаги 23 та мактаб ўқувчилари иштирокидаги ушбу мусобақани кузатган ҳар бир қатнашчи ёшлар ўртасида унинг ниятда оммалашиб бораётганининг гувоҳи бўлиб десак муболаға бўлмайди. 8 та шарт бўйича ўз билим, тажриба ва қизиқтишларини намойён этган ёшлар айниқса йўл ҳаракати қоидалари, йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби шартларни маромига етказиб адо этдилар.

— Ўқувчиларимизнинг Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти, жамиятнинг бемор ва қаровчиси йўқ инсонларга бераётган беминнат ёрдами билан яқиндан танишишлари тўғрисида кўнгиллари сафи тобора ортмоқда, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси Анаора Иргашева. — Жумладан, Хотир ва Қадрлаш қўни муносабати билан туманимиздаги 49 та маҳалладаги энг кам таъминланган, қаровчиси йўқ, кекса, ногирон, ярқа-ёлғиз оилаларга кўнгиллилар бориб совға-салом, дорю-дармонлар тарқатдилар. Уй иш-



ларида ёрдам бериб кўнгилларини кўтардилар...

Мусобақа шартларини бажаришда тезкорлик, чаққонлик кўрсатган 222-мактаб ўқувчилари биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг шаҳар босқичига йўлланиш мақсадига қиритдилар. Иккинчи ўрин 248, учинчи ўрин 286-мактабларга насиб этди. Деворий газеталар танловиди эса 148, 205-мактаблар юқори ўринларни эгалладилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА:** Чилонзор тумани мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

**Пойтахтнинг бир кўни**  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**

• **ЎТГАН** қуни «Ўрта масжид» маҳалласида Ҳамза туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

• **КЕЧА** 291-мактабда Бектемир туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Огоҳликка даъват» мавзусида ўтказилган тадбирда ўқувчилар ва ўқувчилар иштирок этишди.

• **КЕЧА** Миробод туманидаги 213-мактабда ўқувчилар ва ўқувтувчилар иштирокида ўтказилган тадбир Андиқонда содир этилган мудҳиш воқеалар муҳокамасига бағишланди.

• **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Умид» спорт мажмуасида ЎТГАН қуни туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими хамкорликларида ўтказилган давра суҳбати «Оила-тарбия ўчоғи» деб номланди.

• **СЕРГЕЛИ** туманидаги Шукур Бурҳонов маҳалласида маҳалла фаоллари иштирокида «Оила ва аёл» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиди профессор ва ўқувтувчилар ўртасида мини-футбол бўйича ташкиллаштирилган мусобақанинг финал босқичи бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Матбуот хизмати ва**  
**Ўз мухбиримиз**  
**хабарларидан.**



Маҳаллаларда иш олиб бораётган тинчлик посбонлари ёшларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаш, жиноятларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга интилиб келмоқдалар. Уларнинг маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари ўзининг яхши натижаларини бермоқда.

**СУРАТЛАРДА:** (ўнгдан-чапга) Чилонзор туманидаги «Жирмонтепа» маҳалласи 319-таъин пункти катта профилактика инспектори, капитан Абдуназор Шералиев ва «Катта Дўмбиробод» маҳалласи 288-таъин пункти катта профилактика инспектори, капитан Содик Маҳаматов посбонлар билан суҳбатлашмоқда; «Катта Дўмбиробод» маҳалласи фаоллари келгуси режалар ҳақида ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

Шахсий мулк ҳуқуқининг амалда эътироф этилиши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини ҳар қандай ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишнинг қонуни билан кафолатланганлиги натижасида фуқароларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилди.

виждонан ғоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш чораларини кўриш вақти етганлигини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий

Мамлакатимизда фуқароларнинг жамиятдаги сиёсий фаолликлари йўлида зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Депутат ана шу ҳуқуқий асосларга таянган умумий халқ иродасини ифода қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади" деб кўрсатилган. Яна шунга таъкидлаш жоизки, фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини жамият ва давлат бошқаруви соҳасидаги ривожланиш ҳамда фаровонлиқни кўзлаб ўзи танлаган вакил орқали ифодалар экан, депутат мақомига сазовор бўлган халқ вакили аввало эл-юрт манфаатини кўзлаб олган, мамлакат ва халқ олдида турган асосий вазифаларни теран англайдиган, юксак савияли киши бўлмоғи лозим.

Зеро, жамиятда депутатнинг ўрни бениҳоя муҳим. Халқини эзгу ниятлар билан ўзига эргаштира олган инсон ҳамисида одамларнинг ҳурмат-эътиборида бўлади. Одамларни бир-бирларига суяниб, таяниб, тушуниб, муаммолар-

*Фуқаролик жамияти сари*

# ДЕПУТАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Ўзбекистон Республикаси суверен демократик давлат сифатида ўзининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий қудратини жадаллик билан ривожлантириб келмоқда. Хусусан 2004 йил 26 декабрь куни бўлиб ўтган сайловлар фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омили ҳисобланувчи сиёсий жараёнлар билан катта аҳамият касб этди. Ушбу сайловларда Палата ва жамият бошқарувида фуқароларнинг депутатлар орқали иштироки уларнинг объектив воқелика бўлган муносабатида намоён бўлди. Ушбу муносабат фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини қондириш ҳамда уларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларда яққол кўзга ташланди.

ни биргалишиб бартараф этишга даъват қилиш ҳақиқий депутатнинг фазилатидир. Бу борада энг асосий мезон халқ билан иш кўриш, огоҳлик ва адолат мезонларига риоя қилишликдир. Бунинг замирида бутун халқ тақдир, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги муҳим бўлган. Бунинг ҳар бир депутат чуқур англаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси депутати ва Сенат аъзоси мақоми тўғрисидаги қонуннинг 1-модда-

сида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунийлик палатасига сайланган ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунга мувофиқ марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади" деб белгиланган.

Ушбу қонунга кўра депутат тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳамда воқалатларга эга бўлиши билан бир қаторда қонунийлик ташаббуси

ҳуқуқига ҳам эга.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 12,13,14-моддаларида депутатнинг шаъни ҳамда кадр-қиммати муҳофаза қилиш, депутат ва сенаторнинг дахлсизлик ҳуқуқи, депутат ва сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби каби депутат ва сенатор фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланган. Бу каби фаолиятнинг қонуний кафолатланганлиги мақсадга мувофиқдир. Чунки халқ вакили ҳисобланган ҳар бир депутат ўзининг фаолиятини қонуний ваколатлар доирасида жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб олиб боради.

Шунингдек, депутат қонуний ташаббуслар билан ваколатлари масъулиятини ҳис этган ҳолда давлатимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи тегишли қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланиб қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши лозим.

Бинобарин, депутатнинг маънавий қиёфаси унинг аҳоли қатламлари орасидаги обрў-эътибори гаровидир. Энг аввало у барча табақа ва қатламларнинг турмуш шароитини обдон ўрганган ва унинг дардларини қалбдан туйган бўлмоғи лозим.

**Музаффар ТҲУТАСИНОВ,**  
Тошкент давлат юридик институти магистри.

*Мағбурлар*

## ЁШЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг жамият тизимидан мустақкам ўрин эгаллаши уларнинг қай даражада халқ орасига, хусусан ёшлар даврасига кириб борганлигига ҳам боғлиқ албатта. Бу борада Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан Тошкент Ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицей ва Тошкент мелиорация ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежи билан ҳамкорликда "Икки палатали парламент шароитида сиёсий партиялар фаолиятининг муҳим йўналишлари" мавзусида тадбир ўтказилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Тошкент шаҳри бўйича партиянинг қарийб 20 мингдан ортқ аъзоларининг 30 фоизини 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ёшларнинг сиёсий-мафқуравий онгини кучайтириш мақсадида партиянинг шаҳар ташкилотини "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Сухбатдош" либерал-демократик клуби ташкил этилган. Ушбу клубда барча туман кенгашлари "Ёшлар қаноти" гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари, партиянинг ёш фаоллари ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Шунингдек бир қатор касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, маҳаллалар ва жамоат ташкилотларида бевосита партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тушунтиришга бағишланган 300 дан ортқ тадбирлар, давра суҳбатлари ва кизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди ва бундай тадбирлар давом этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни, икки палатали парламент шароитида сиёсий партиялар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, ёшлар ва қонунийлик масалалари, бу борадаги муаммо ва камчиликлар, уларнинг ечими хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Давра катнашчилари ўзларини кизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

(Ўз мухбиримиз)

# ИНСОН ВА ҚОНУН

Ароқнинг касофати билан қанча-қанча инсонлар бедаво дардларга мубтало бўлмоқда, автоҳалокатлар содир бўлиб, гулдай йигитлар ҳаётдан кўз юммоқда. Уларнинг вояга етмаган фарзандлари, ёшгина аёллари бева қолмоқда. Бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. Сўзимизнинг исботи учун ароқ келтирган жожеалар ҳақида мисол келтирмоқчимиз. Қаҳрамонимиз Ражаб Исаевнинг ҳам темир панжара ортида ўтиришига ароқ сабаб бўлди. Ёши қирқдан ошса-да унга ақл кирмади. У ота бўлиб оиласини ўйламади. Фарзандларига ароқнинг зарари ҳақида насихат қиладиган ёшда суднинг қора курсисига келиб ўтирди. Сабаби ароққа тўйиб ўзлигини йўқотди. Охир-оқибатда улфати М.Бобохонов билан жанжаллашиб қолди. Жаҳл отига минган Ражаб улфатининг кўкрагига уч марта пичоқ санчди. Яхшиямки врачларнинг ўз вақтида қилган саъй-ҳаракатлари туфайли жабрануевичнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Яқинда Учтепа туман суди Ражаб Исаевнинг қилмишига қонуний баҳо берди ва у эндиликда темир панжара ор-

тида ўз қабиҳ хатти-ҳаракатларини ўйлаб, шояд келгусида инсофга келса...

— Мен кайфнинг зуридан ўзимни йўқотиб қўйдим. Ҳеч қандай айби бўлмаган,

туман жиноят ишлари бўйича судида кўриб чиқилди. Айбдор 3 йил озодликдан маҳрум қилинди. Бу вақт Леониднинг ўз қилмиши учун хулоса чиқариши учун етарикман деб ўйлаймиш. Энг ачинарлиси, судда Леониднинг ҳаёт тарзини ўрганганимизда депутатнинг ҳам судланиб қилмишига яраша жазо олганлигига гувоҳ бўлдим. Бундан тегишли хулоса чиқармаган Леонид 41 ёшида ароқ туфайли яна суднинг қора курсисига ўтирди.

Биз юқорида сўзимизни ароқ келтираётган жожеалар билан бошлаган эдик. Бу жожеалар таҳлил қилинганда барча иллатларнинг илдизи оиладаги тарбияга бориб тақалишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Шундай экан, ҳар биримиз фарзандларимизни кимлар билан ҳамтовок бўлаётганини назорат қилишимиз лозим. Акс ҳолда суднинг қора курсисига ўтиргач, барча саъй-ҳаракатлар кеч бўлади.

**Забихулло ЗИЯДУЛЛАЕВ,**  
Учтепа туман прокуратураси терговчиси

*Жиноят жазосиз қолмайди*

## СЎНГИ ПУШАЙМОН...

**Ароқ. Бу ичимликни ҳуш кўрганларнинг ҳаёти ҳеч қачон яхши кечмаган. Бунинг кўпчилиги яхши билади. Лекин шундай бўлса-да, бу зорманданинг ишқибозлари кўп. Бунинг учун биров айбдор эмас, ўзимизнинг кўнгилчанлигимиз сабабчи.**

ҳамкорликда ишлайдиган Баҳодир Асомовнинг буйнига ва юзига пичоқ билан жараҳат етказдим. Бунинг учун ундан ва оиласидан уэр сўрайман. Бу ишларимга ароқ сабабчи. Ўзим иродасизлик қилдим. Айбимни тан оламан, — дейди судда Леонид Морозов.

У судда ўз қилмишини тан олди. Суддан кечирим сўради. Бироқ Баҳодир Асомовга етказилган тан жараҳати ва унинг оиласи чеккан азобни пул билан ўрлаб бўлмайди. Леонид Морозовнинг қилмиши Учтепа

*Ҳуқуқий ҳимоя — амалда*

## ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАШ — ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда қонунларнинг жамиятнинг иқтисодий негизини тубдан яхшилаш ва мустаҳкамлашга кенг эътибор қаратилди. Бу вазифаларни амалга оширишнинг асосий мезони сифатида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариб фуқароларга ва юридик шахсларга хусусийлаштириб бериш борабарда уларда мулкрий муносабатларга бўлган дунёқарашни ўзгартириш бош вазифа қилиб қўйилди.

Хусусан, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиб, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари, кичик ва хусусий тадбиркорлик тушунчаси ва уларнинг субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлик, жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларнинг бирлашмалари, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш қоидалари, тадбиркорлик фаолиятининг мулкрий асослари, тадбиркорлик асослари субъектларини кредитлаш ва сугурта қилиш масалалари, тадбиркорлардан солиқ олиш, тадбиркорлар томонидан ҳисоб ва ҳисоботларни юришти билан боғлиқ масалаларни ечиш қоидалари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, мазкур қонунда тадбиркорлик субъектларининг қонун билан мантиқан ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) ва даромадларини (фойдани) эркин тасарруф этиш, пул маблағларини тасарруф этиш, ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг конституциявий кафолатлари мустаҳкамланган.

Президентимиз ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, Олий Мажлис Қонунийлик палатасининг биринчи йиғилишида ҳамда Олий Мажлис Қонунийлик палатаси ва Сенатнинг кўшма мажлисидаги маърузаларида қонун ҳимоячилари биринчи навбатда шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла ҳалро бўлиши, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш, қабул қилинаётган қонунларга доимо, тўлиқ ва

ҳўжалик суди қўшма Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги қароридан белгиланган тартибга кўра иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркорлик мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ҳўжалик судларига таллуқлидир. Айнан шу тарздаги низоларда бир тараф қонунда белгиланган тарзда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган фуқаролар (оила пудратчилари) бўлса, бундай даъволар тааллуқлиги бўйича умумий юрисдикция судларида кўрилиши қайд этилган.

Яқка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб эътироф этиш билан боғлиқ ишлар ҳўжалик судлари судловлигига тааллуқли бўлиб, яқка тартибдаги тадбиркор ҳўжалик суди томонидан банкрот деб эътироф этилган ва фаолияти қонунда белгиланган тартибда тугатилган бўлса, унинг иштирокида вужудга келган барча низолар умумий юрисдикция судлари судловлигига тааллуқли эканлиги қайд қилинган.

Шу билан бир қаторда судлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг даввоси бўйича ишларни кўриб чиқишда ишчанлик обрўсига етказилган маънавий зарарни ундириши тўғрисидаги талабни ҳам асосий даввога қўшиб қўрилади, бундай талабни бошқа судга тааллуқли, деган ваз билан ишни тугатишга ёки давво аризани қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Қайд қилинган ҳолатлар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига доир низоларни судлар томонидан тўғри, қонуний ва асосли ҳал қилиниши, ривожланиб келаётган давлатимиз иқтисодиётининг ўсишида муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Шу билан бир қаторда тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилаётган ишларни янада ривожлантириш учун қонунларга оғишмай амал қилиш бунинг кунинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади.

**Н.МАДАМИНОВ,**  
Фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг судьяси

*Сўраш, жавоб берамиз*

**Юридик адабиётларда "Алиби" тушунчасига кўп бор дуч келганман. Бу тушунча ҳақида маълумот берсангиз.**

**Г.Нуралиев, шифокор**  
Алиби (лотинча alibi — бошқа ерда) бирор жиноятда иштироки бор деб гумон қилинган ёки айбланаётган шахснинг жиноят содир бўлган жойда бўлмаганидан ва унинг айбсизли-

гидан далолат берувчи тушунча. Жиноят юз берган вақтда айбланувчининг мутлақо бошқа жойда бўлгани исботланса алиби айқланган ҳисобланади. Жиноят қилинган пайтдан айбланувчи бошқа жойда қўрилганлиги ўртасида тегишли вақт ўтган бўлса, жиноят қилишда бошқа йўл билан ёки билвосита иштирок этган бўлса, бу ҳол айбловни рад эта олмайди.

**Мен бундан 1 йил олдин эрим билан ажралиб, битта ўғил билан қолганман. Эрим ўғлим учун ўз вақтида алимент тўламаяпти. Қандай йўл тутай? Шу ҳақда маслаҳат берсангиз.**  
**Г.Алимова, тарбиячи**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 142-моддасига биноан алиментни ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга мувофиқ алимент тўлаш шарт бўлган шахснинг алиби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Суднинг хал қилув қарорига кўра алимент тўлаш шарт бўлган шахснинг алиби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдорда алимент олувчига устама тўлайди.

*Солиқ*

## ЭРКИН МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТДИ

"Бу идораларнинг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашгина эмас, балки энг муҳими, солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборатдир", — дея таъкидлаб ўтган эди Юртимизнинг 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунийлик палатаси ва Сенатнинг кўшма мажлисида.

Қувонарли томони ҳозир, жойларда бу борада ибратли тадбирлар, кизиқарли учрашувлар ўтказилиб турибди. Жумладан, яқинда Собир Раҳимов туманидаги Мискин маҳалла фуқаролар йиғини биносидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва маҳалла ахли иштирокида "Солиқ сиёсати, солиқларнинг моҳияти ва аҳамияти" ҳамда "Солиқ сиёсатини янада тақомиллаштириш — муҳим устувор вазифа" мавзуларида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда солиқ академиясининг раҳбарлари, маҳалла оқсоқоли ва фаоллари, давлат солиқ инспекторлари қатнашдилар.

Учрашувни Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жағмарасининг бош муҳтабасисси Х.Қораболаев очиб берди. Тадбирда солиқ академиясининг доцентлари Т.Мирзаев "Солиқ ва уларнинг ижтимоий аҳамияти" тўғрисида, С.Қаҳҳаров эса "Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари" мавзуларида батафсил тўхталиб ўтишди.

Учрашув эркин мулоқот тарзида ўтказилиб, унда маҳалла ахли ўзларини кизиқтирган саволларни тадбир иштирокчиларига беришди. Учрашув давомида Давлат солиқ қўмитасининг

**Азиза АЛИБОВАЕВ,**  
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Алимент олувчи алимент ўз вақтида тўланмаганлигида айбдор алимент тўлаш шарт бўлган шахсдан алимент тўлаш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик оқибатида етказилган барча зарарларнинг устама билан қопланмаган қисмини ундиришга ҳам ҳақлидир.

**Республикамизда аёлларнинг кексалик бўйича нафақага чиқиши учун қайси ёш белгиланган. Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Б.Каримова ишчи**  
Аёллар 1999 йилнинг 1 июлига 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлсалар 55 ёшда нафақага чиқиш ҳуқуқига

эга эдилар. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Аёлларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ 1999 йил 1 июлдан эътиборан иш стажига 20 йилдан кам бўлмаган аёлларга 54 ёшда нафақага чиқиш ҳуқуқи берилган. Мазкур қонунга биноан 3 ёшгача бўлган болалари бўла туриб, бюджет муассасалари ва ташкилотларида ишлаётган аёлларга меҳнат ҳақи камайтирилмагани ҳолда ҳафтасига 35 соатдан ортқ бўлмаган қисқартирилган иш вақти белгиланган.

**Қундузой РОЗИМОВА,**  
Тошкент давлат юридик институти талабаси

## Шарқ дурдоналари



● Билгилки, барча овқатларнинг тури ейилиш қоида-сига қараб фойда ёки зарардан ҳоли бўлмайди. «Ажойиб ал-махлуқот» китобида ёзилишича, иллат пайдо бўлишининг сабаби киши ўз мижозига ёқмайди овқатни ейишда, барча дориларнинг боши эса мижозга ёқадиган овқат ейишдир. Кам овқат ейиш билан даволаниш барча овқатлардан афзалдир.

Овқатларни бир-бирига аралаштириб еб бўлмайди. Масалан, қатиқни гўр узум суви билан, барча турдаги овқатлардан кейин эса ўрик ва шафтоли еб бўлмайди. Гўр узум билан балиқни, сирка билан саримсоқни, пиёз, саримсоқ пиёз, хантал, буларни ҳам аралаштириб еб бўлмайди. Барча мева турларидан кейин эса совуқ сув ичиш мумкин эмас. Бундан ташқари асал билан қовунни, товۇқ гўшти билан балиқни, саримсоқ, айрон, қатиқни ҳам аралаштириб еб бўлмайди.

● ХИКМАТ. Айбингдан хабар толиб, уни бировларга ошқор қилмайдиган, сенга яхшилик қилса уни таъна қилмайдиган, унга яхшилик қилсанг асло унутмайдиган одам билан дўстлик ипини боғламоқ керак. Байт:

Кўп ҳолатнинг

бўлдим шоҳиди,

Айб қидирган

бўлди айбдор.

Кимнинг бўлса

юраги тоза,

Ўзга айбин

қидирмас зинҳор,

Дўст айбини

бекитар доим,

Фазилатин

мақтайди такрор,

Яхшилигин улуг

деб бўлмас,

Ўзингни ҳам асло

тутмас хор.

Шундай дўстга

дуч келсанг агар,

Кўлларингдан

чикмарма зинҳор!

● Сабабсиз кулги — беодоблик белгиси.

● Ҳар бир дарахнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси эса фарзанддир.

● Дўст билан суҳбат қурмоқ гуллар орасида сайр қилмоқ ва гўзаллар нағмасига қулоқ солмоқдан хушдир.

● Ҳар нарсанинг янғиси, аммо дўстнинг эскиси яхши.

● Келтиришларича, Абу-жаъфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн дадаси ҳақида ҳикоят қилиб, шундай деган:

— Дадам бир кун менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатчилик қилма, улар билан ҳеч қачон суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» — деб сўрадим. Дадам: «Биринчиси фиску фужур ахли! Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўқма нарса учун сени сотишдан тиймайди. Уларнинг бир қисми лўқмапарастлардир. Уларнинг одати шуки, сендан бирон нарса таъма қилидилар. Агар бермасанг, озгини мойламансанг халқ ичиде ёмон гап тарқатади, обрўингни туширади. Одамлар уларнинг гапига ишониб, сен билан ёмон муомала қила бошлайди!» — деди.

Газетамизда бир яхши аъёна бор. Ҳар йил бошида «Оқшом»нинг тўртта саҳифаси бош муҳбиримиз бўлган газетхонларнинг хат-хабарлари ва мақолаларига бағишланади. Муштарийларимиз йил бошидан оқшомнинг таклиф ва мулоҳазалари билан чиқаришди, хайрлашаётган йилларимизда эътиборимиздан бироз четда қилиб кетган мавзулар хусусида сўз юритиб, Янги йилда сеvimли газеталарини қандай қилиш ниятида эканликларини баён этишади. Газетхонларимизнинг бу истакларини биз «Оқшом»чилар ўзимизга хос йўналиш сифатида қабул қиламиз. Улар билдирган таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек, йил якуналари ва келгуси режалар хусусида келишиб олиш учун бир неча бор бош муҳаррир хузурига йиғиламиз. Ҳар бир бўлим ўз йўналишидан келиб чиқиб, ўйлаб қўйган режаларини бирма-бир баён этади. Улар муҳарририят чигиринидан ўтган галдаги вазибалар рўйхатига киритилади. Ҳозиргача бу аъёна давом этиб келади.

Айниқса ўша кезлари янги рўкнлар устида кизгин тортишувлар бўларди. Бир неча кунлаб ўйлаб, бошимизда пиширтган 10 та рўкндан битта ёки иккитаси ҳайбат аъёналарига маъқул келса, шунинг ўзи катта гап эди. Чунки бош муҳарриримиз бўлар-бўлмас рўкнларни ёқтирмади: «рўкн шундай бўлсинки, бир ўқишдаёқ ҳар қандай газетхонни ўйлантирадиган, ўзига тортадиган бўлсин», деди.

Ўша ўйлаб топилган рўкнларимиздан биз бугун мисол тариқасида «Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари», «Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби» рўкнларини келтириб ўтишимиз мумкин. Кейинчалик улар остида берилган қатор-қатор саҳифаларимиз юқоридаги тортишувларимизнинг маҳсули эди. Ҳафтанинг ҳар шешанба ва пайшанба сонларида чоп этиладиган бу саҳифалар йиллар давомида газетамизни безаб келди. Ўқувчилар диққатини ўзига тортиди. Уларнинг энг сеvimли саҳифаларидан бирига айланди. Шу ўринда «Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари» саҳифасининг биринчи сони ҳақида қисқача сўз юритсак фойдадан холи бўлмас.

Газетамизнинг 1981 йил 4 июнь сонидан ўрин олган ушбу саҳифада Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг (ҳозир университет) доценти Ойшахон Тўраевнинг «Ота-она ибрати», ёзувчи ва шифоқор Ҳабибулла Қодирийнинг (марҳум) «Дили равшаннинг йули равшан» мақолалари, «Инсон — ҳаёт гултожи» анкетаси саволларига Ўзбекистон халқ артисти Шуккур Бурхоннинг жавоблари эълон қилинган эди.

Ушбу саҳифа кўйдаги бошловчи сўзлар билан очилган: «Азиз оқшомхон дўстлар! Бугундан бошлаб газетамиз саҳифаларида «Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари»ни ёритиб борамиз. Кўпчилик газетхонларимиз илтимосларини инобатга олиб, шундай саҳифани ташкил этмоқдамиз. Маълумки, бизда энг яхши инсоний ҳис-туйғуларни, орзу-умидларни, юксак инсоний фазилатларни уйғотиш ва камолга эриштириш учун шарт-шароитлар етарли. Улуғ рус ёзувчиси Антон Павлович Чехов: «Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи лозим: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам» деган эди. Юртимиз кишиларидан ана шундай фазилатлар мужассамлашган.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни бериладиган ушбу саҳифада оила, одоб-ахлоқ, маданият, меҳнат, фарзанд тарбияси, инсоний муносабатлар ва бошқа мавзуларда қизиқарли материаллар ёритиб борилади. Унда олимлар, ёзувчилар, педагоглар, санъаткорлар, табарқур ота-оналар, маҳалла фуқаролари, тарбиячилар ва мураббийлар, умуман барча оқшомхонлар қатнашадилар. «Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари» даврасига марҳамат қилинг, хатларингизни кутамиз, азиялар».

— «Оқшом»ни мунтазам кузатиб борардим. Бир кун унинг саҳифасида юқоридаги рўкн остида эълон қилинган туркум мақолаларни ўқиб қолдим. Улар менда жуда катта таассурот қолдирди. Шу-шу «Оқшом»га бўлган қизиқшим янада ортиб кетди, — деб эслайди ўша кунларни узоқ йиллар сафимизда ишлаб кетган собиқ «оқшом»чи Тўхтамурод Тошев. — Ҳеч эсимдан чикмайди илк бор ишга келганим. ТўшДўнинг (ҳозирги Миллий университет) журналистика факультетини тугаллаш, диплом ишини ёқлаш арасида эдим. Бир кун дўстим, журналист Абду-

қодир Ниёзовни учратиб қолдим.

— Бизга «Оқшом»га ишга келмайсанми? — деб қолди дабдурстдан. Мен ҳам ўйлаб ўтирмай «бўпти» дедим.

Иккимиз муҳаррирнинг олдига кирдик. Абдуқодир мени таништирди. У киши кўзойнагини олиб, менга бошдан оёқ разам солиб чиқиди, сивончан назар билан аста деди:

— Ука, бизда иш оғир, устига устак сиз газетанда ишламаган экансиз. Қийналиб қоласиз. Бизда фақат «жанг» қилиш керак.

Мен «жанг» сўзини қаттиқ ишлаш керак деб тушундим.

— «Жанг» бўлса «жанг» қилаверамизда, домла, — дедим шартта. Бу гапим Саъдулла акага ёқди шекилли селекторнинг қай-

## Чиллар саҳоси

## «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ ЎН ОЛТИНЧИ ҲИКОЯ

сидир тугмасини босди. Карнайдан «Лаб-бай, Саъдулла ака», деган овоз келди. «Пўлатов бу ёққа кириб кетинг», деди муҳаррир.

Эшик олдида ўрта бўйли, қотмадан келган, сочлари хурпайган ахборот бўлими мудири Абдулла Пўлатов пайдо бўлди. У қулоқларини динг қилиб қўл қовуштириб турарди.

— Шу бугундан эътиборан бу йигитчини синайсиз. Бир ҳафта муҳлат. Сўнг менга фикрингизни айтасиз.

Бир ҳафта ўтган, иккимизни чақириб қолдилар.

— Ҳа, Пўлатов, чақирмасак кирмайсиз, бир ҳафта ўтди, йигитнинг қалай?

— Бўлади, — деди Абдулла ака. Чамамда ортиқча сўз айтишга қўчиди шекилли, бошқа чўрқ этмади.

Ундай бўлса арза ёзинг. Эркин Жўраев Қашқадарёга ишга кетяпти. Сизни унинг ўрнига оламини. Икковингиз ишлайсиз.

Шу-шу «Оқшом»даги фаолиятим бошланди.

«Оқшом» газеталари ўқувчиларни кундалик янгликлардан мунтазам хабардор этиб туриш билан бирга уларни Тошкент тарихи билан боғлиқ теша тегмаган, керакли маълумотлардан ҳам бохабар этишни ўз зиммасига олганди. Масалан, бугун сизга Тошкентда иш бошлаган биринчи кинотеатрнинг биласизми? — деган савол билан мурожаат қилсак, табиийки, баъзи бирларингиз ўйланиб қоласиз. Ваҳоланки, «Оқшом» ўз саҳифаларида бу ҳақда бундан роппа-роса 24 йил илгари хабар берган. Газетанинг ўша йилги 30 январь сониде эълон қилинган «Кинотеатр ҳақида» деб номланган мақолани ўқисангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. Мана ўша мақоладан бир шингли:

«Дастлабки пайтларда кинематографнинг томоша кўрсатадиган мўкин бир жойи йўқ эди. Аммо кўп ўтмай, кинопрокат иши жиддий асосда ҳал этилди. Шаҳар боғига қираверишдаги жойда (олдинги Горький номли боғда) «Турон» кинотеатри майдонга келди. Шаҳарнинг қоқ марказида эса «Хива» кинозали қурилди. Бу сарой «Минг бир кеча» эртақларидан Тошкентга кириб келгандек эди гўё. Қираверишда баланд куббали бинолар, ажойиб деворлар, нақшлар ҳаммага маъқул турарди. Тўб тошкентликлардан қайси бири бу қадимий, ҳамма учун сеvimли кинотеатрни эсламайди дейсиз. У жуда кўп йиллар хизмат қилди, ажойиб кино санъати билан бир неча авлодни таништирди.

Кино дастлаб пайдо бўлган йилларда овозсиз эди. Ўша пайтларда залнинг бурчагига жўр бўлувчи жойлашиб олар, роляда фильм қаҳрамонлари ҳолатига қараб, гоҳ қайғули, гоҳ қувноқ куй чалиб турарди. Шу кинотеатрда тошкентлик томошабинлар 1925 йилнинг 29 сентябрь куни биринчи марта ўзбекча тўла метражли «Муслумон қиз» бадийий фильмини қўришди. Унда ўзбек қизларидан Р.Сайдалиева ва С.Раҳматовалар биринчи марта кинога суратга олинган эдилар. «Хива» республикадаги тўнғич кинотеатр бўлиб қолди. Бу ерда 1931 йилдан бошлаб овозли кино намойиш этилди.

Ҳа, узоқ вақт биринчи бўлиб келган эди. Кейинчалик у билан жиддий равишда рақобатлашадиган кинотеатрлар пайдо бўлди. Улардан бири ҳеч шубҳасиз Эски шаҳар марказида, Навоий кўчасида 1937 йили

Тошкентда қад кўтарган «Ватан» кинотеатри бўлди. Мутахассислар бу бинонинг лойиҳаси Ўзбекистонда архитектурани ривожлантиришда ўзига хос босқич, ўзбек архитектураси бой меросини ўзлаштиришга муваффақиятли интилишлардан бири бўлди деб ҳисоблайдилар. У шаҳарнинг чиройига чирой қўшиб турарди. Айниқса унинг олд томонидаги баланд устунлар ва нақшлар ҳар қандай кишининг ҳавасини тортарди. Бугунги кунда эса ушбу кинотеатр ўрнида ўзбек Миллий театри биноси қад кўтарган.

«Оқшом»нинг ўша йилларга оид саҳифаларини арақлай туриб «XX аср овози», «Газетхон илҳомлари», «Чимён чорламоқда», «Ўзбекистонда Тожикистон адабиёти ва санъати декадаси», «Тошкент: таржimai

халининг бошланиши» каби саҳифалар, шунингдек, устоз санъаткор Раззоқ Хамроевнинг 70 ёшлиги муносабати билан, ҳамда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг ижодий фаолиятига бағишланган саҳифалар устида узоқ тўхталиб қолдик. Зеро, заҳматқаш ҳамкасбларимиз томонидан тайёрланган бу саҳифалар ҳар жиҳатдан ўзининг ўқимишлигини, мавзунинг долзарблигини билан ажралиб турарди.

Газетачиликнинг оғир машаққатларини дастлаб «Оқшом»да татиб давримизнинг энг пешқадам ва номдор журналистлари қаторидан ўрин олган қанчадан-қанча сафдошларимиз бор. Уларнинг ҳар бири ўз олами, ўз йўналиши, ўзига хос характериға эға. Афсуски барча сафдошларимизни номманом санаб, уларнинг ҳар бирига алоҳида таъриф беришининг илҳоми йўқ. Йилларга бағишланган ҳикояларимизда имкон қадар улар хусусида озми-кўпми даражада сўз юритишга ҳаракат қиляпмиз. Шундайлардан бири бугунги кунда газетамизнинг маънавият ва маърифат бўлимини бошқараётган Дилором Икромова шундай ҳикоя қилади:

— Ёшлигимдан журналистикага, шеърятга илҳосим баланд бўлгани боис мактабни тугаллагач, «Тошкент оқшоми» газетаси тахририятга ишга келдим. Бу кўтулг даргоҳда ишлаш мен учун катта бахт эди. Тахририятда жуда кўплаб қалами ўткир журналистлар фаолият юритишарди. Мен дастлаб бу жамоада ҳарф терувчи бўлиб ишга жойлашдим. Ўша йилларда Маърифат, Ильмира, Насиба деган кўнгли очик, моҳир ҳарф терувчи қизлар ишлашарди. Улар билан тез тили топишиб қадрдон бўлиб кетдик.

Жамоамизда ишлаётган моҳир журналист устозларнинг менга берган ўғитлари тўфайли шу даргоҳда тобландим. Кейинчалик мақола, шеърлар ёза бошладим. Улар газета саҳифаларида эълон қилинди. Тахририятда ишлаш билан бирга Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет) журналистика факультетининг сиртки бўлимига ўқшига кирдим. Ўша йиллари Дилдора Исломова, Зўхра Файзиёва, Наима Ҳақимова, опа-сингил Мактуба ва Маҳсума Иноғомовалар билан бирга бир хонада ўтириб ёзув машинасида ишлашардик.

Йиллар ўтиб газетанинг мусахҳихлик бўлимига ўтиб ишладим. Бу ерда Марғуба Акромова бошчилигида Маъфура Содиқова, Шоира Муҳамедова, Муҳаббат Ҳабибуллаева, Шарифа Илёсова, Шохиста Убайдуллаева сингари ўз касбининг усталари бўлган «Оқшом» маликалари билан бирга узоқ йиллар меҳнат қилдик. Кейинчалик қаламим чарқлашиб қолди шекилли жамоа менга ишонч билдириб газетанинг ахборот бўлимига ўтиб ишлашимни таклиф этди. Бу мен учун жуда қувончли воқеа эди. Чунки газетанда журналист сифатида фаолият юритиш бирдан бир орзум эди. Бор биллигим, бор меҳрим билан ишга киришдим.

Бугун чамалаб кўрсам бу даргоҳга ишга келганимга 32 йил бўлибди. «Тошкент оқшоми» газетаси эса ҳаётимнинг бир бўлигига айланиб қолди. Мен ҳаммаша ўз касбим, ҳамкасбларим билан фахрланаман».

«Оқшом» газеталарини ҳеч муболағасиз журналист кадрлар ўчоғи деб аташ мумкин. Шу ерда маҳорат мактабини ўтаб кетган қанчадан-қанча қаламқашлар турли лавозимларда самарали меҳнат қилишмоқда. Бу ҳақда гап борганда Фаффор Ҳатамов, Сирожиiddин Сайид, Носир Муҳаммад, Абдуқодир Ниёзов, Бобохон Шарипов, Муҳаммадвали Муродов, Абдурашид Нормуродов, Нормурод Норқобиров, Исмоил Фаттохов каби ёзувчи, шоир ва журналистларни санаб ўтиш мумкин.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

**Бу — қизик**

**РҲЙХАТГА  
ОЛИНҚОҚДА**

Красноярск ўлкасининг Кутб доираси ҳудудида дайдиларни рўйхатга олиш бошланди. Ҳатто бу ҳақда маҳаллий рўномадорлар берида эълон босиб чиқарилди.

Уйли-жойли одамларнинг табии қондириш муаммо бўлиб турган бир пайтда дайдиларга бунчалик эътибор берилмаётгани бежиз эмас. Рўйхатга олинган дайдиларга шу кунларда Россия аҳолисига тарқатилётган ваучер деб аталмиш чек тақдим этилади. Қизик, дайдилар "осмондан тушган чалпақ"ка қандай муносабатда бўлишаркин, уни нимга сарфлашаркин — уй сотиб олишгами, ёки винога?

**ЯПОН ХОНИМИ  
ПАРВОЗ  
ҚИЛАДИ**

Япония тарихида биринчи марта аёллар орасидан астронавтикага номзод танлаб олинди.

У 40 ёшли Тиаки Мукаидир. Лекин Мукаи космонавтикада ўзини "очилмаган кўрик" деб аташларини ёқтирмайди. Аслида ҳам шундай. Мукаи шу йил сентябрь ойида Американинг кўп марта учиб учун фойдаланиладиган "Индевер" космик кемасида саккиз кунлик учидада иштирок этган япон астронавти Маору Морнинг дублёри эди.

**ФИРИБГАР  
ЎҒРИЛАР  
ТЎДАСИ**

Бу тўданинг "иш" фаолияти жуда галати. Бу чўнтакчесарлар кўллашди ишлашди.

Мижоз танлаш ва уни илтириш усуллари ҳам ажабтовур. Ўғрилик вазосити эса оддий горчилик. Ҳа, оддий горчилик. Тарихий ёдгорликларни мириқиб томоша қилаётган сайёҳлар йилгилар жойда ҳозир-нозир бу ўғрилдан бири ана ўша оддий горчиликни меҳмоннинг қийимига суртиб кетади. Бошқаси келиб, хижолатда қолган сайёҳнинг кўнглини овлашга астойдил киришади: кийимларини қоқиб-суртди, артиб тозалаган бўлади. Ҳатто бунинг учун "рахмат" ҳам эшитилади. Бечора меҳмон йўлайлақай чўнтагини тозалаб кетишганини эса... кейин билади.

Аммо юқорида айтганимиздек, Бельгияда бу чўнтакчесарлар фириблари бу гал иш бермади.

**Биласизми?**

**МОЗИЙ  
ҚОМУСИ**

Мисрда мамлакат тарихи ва унинг маданий мероси энциклопедиясини тузиш устида ҳар хил мутахассисликларга эга бўлган 150 дан кўпроқ олим иштирок этаёттир. Маскур мамлакат тарихида биринчи марта тузиладиган бу энциклопедия Мисрнинг фиръавнлар давридан бошлаб ҳозиргача бўлган таррақибат материалларини ўз ичига қамраб олади.

Комиссия аъзоларига энциклопедия тузишдан ташқари вилоятларнинг пойтахтларида музейлар ташкил этиш ҳақидаги масалани ўрганиш вазифаси ҳам топширилган. Шунингдек, улар нодир тарихий обидаларни асраш, бундай обидаларни қонунсиз равишда чет элларга ташиб кетишнинг олдини олиш чораларини ҳам ишлаб чиқишлари лозим.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи бунинг кунда Урта Осиё ҳудудида энг кекса ва йирик ана шундай марказ ҳисобланади. Бу ноёб тарихий ёдгорликлар хазинаси 1876 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб унинг фондида 1486 та тарихий буюмлар, 645 та тангалар, 9 та нишонлар, 12 та турли ёзувли тошлар бўлган, холос. Орадан кўп ўтмай 1883 йилнинг декабрида самарқандлик ўлкашунос, Туркистон ўлкаси тарихига доир осори-атиқалар тўпловчи Мирзо Абдулло Бухорий Тошкент музейига 233 та турли хил буюмлар — 3 та олтин, 36 та қумуш, 119 та мис тангалар, 5 та олтин узук, 21 та муҳр, 6 та турли хил майда тарихий буюмларни, тошкентлик хаваскор қадимшунос Ақром Аскарлов ҳам кўплаб олтин, қумуш ва мис тангалар, сопол, шиша, мис идишлар ва бошқа тарихий осори-атиқаларни музейга топширди. 1884 йили В.Крестовский Самарқанднинг Афросиёбидан тўплаган йирик тарихий коллекциясини, Султон Теремқулов эса 28 та буюм ва кўлэмаларни музей фондида топширган. Шу тарихи, маънавият хазинаси бўлиш музей фонди йил сайин янги топишлар ва айрим шахсларнинг "совга"лари ҳисобига бойиб борган.

Шундай қилиб, 1884 йилнинг бошида музейнинг қишлоқ ҳўжалик бўлимида 700 та, минерология бўлимида 1300 та, зоология бўлимида 200 та, саноят ва хўнарамдчилик бўлимида 100дан ортиқ тарихий буюмлар мавжуд бўлган. Бугунги кунда тарих музейи фондида 250 мингдан ортиқроқ экспонатлар бўлиб, улар музей ёносининг 3 та қаватининг 10 бўлимида даврма-давр жойлаштирилган. Музей фондида Тош асридан тортиб, бугунги Истиклолимизгача бўлган даврлар ўтмиши ҳақида ҳижоя қилувчи экспонатлар намойиш этилмоқда. Улар орасида археология, нумизматика (тангашунослик), этнография (этношунослик)га оид кўплаб нодир коллекциялар бор. Музейга кираверишда биринчи қаватда тарихимизнинг энг қадимги даврлардан бошлаб, то XIX аср бошигача бўлган давр экспонатлари намойишга қўйилган, иккинчи қаватда эса XIX асрнинг биринчи ярмидан то шу кунгача бўлган давр сийди, ижтимоий, иктисодий ва маданий тараққиётининг узлуксизлиги, унинг жаҳон цивилизацияси ривожига тутган ўрни муш тарихий экспонатлари орқали аниқ равишда кўрсатилган.

Музей заллари бўйлаб томоша қилар экансиз, қўли гул ўзбек хўнарамдлари тайёрлаган турли-туман гўзал ва нафис буюмларга

— ёғоч ўймакорлиги, қулоллик, зарб қилинган буюмлар, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик, дўппидўзлик, гиламдўзлик ва бошқа маҳаллий саноят буюмларини оммавий ишлаб чиқарилган намуналари тарихи ҳамда ҳозирги кундаги ҳолатига кўзингиз ту-

осори-атиқалар, археологик ёдгорликлар, қўшошларга битилган тарихий битиқлар, сопол, заргарлик, мисгарлик буюмлари, турли замонларда зарб этилган тангалар, хўнарамдчилик буюмлари, деворий расмлар, турли ҳажмдаги ҳайкаллар ва бошқалар ўлка-

ган ташкилотчилик ишлари анча салмоқлидир. Улар Музей ишларини яхшилаш, ноёб экспонатларни яхши ва сифатли сақлаш, фондларни янги материаллар ҳисобига бойитишда фаол қатнашиб келмоқдалар. Музейнинг раҳбари тарих фанлари доктори Қўтлуғжон

*18 май — Халқаро музейлар кунин*

**МУЗЕЙ — ТАРИХ  
КЎЗГУСИ**

Музей ҳар бир халқнинг маданий кўзгуси бўлиб, ўзида жамланган юртнинг бой ўтмиш тарихи, моддий ва маънавий ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш сингари ишларни амалга оширувчи илмий, маърифий-маънавий маскан ҳисобланади.



Ўзбекистонда бадиий керамика қадим замонлардан барқ уриб ривожланган. Тошкент, Риштон, Бухоро, Самарқанд, Ғиждувон, Қарши, Шаҳрисабз, Ургут, Хива, Каттақўрғон, Китоёб, Шеробод усталари томонидан яратилган коса, пийла, лаган, қўзлар ўзининг нозик ва пишқилги, рангининг жилоси, гўзал нақшлари билан дунёга машҳур бўлган. Сиз бадиий керамиканинг энг яхши намуналарини музейда кўришингиз мумкин.

Қадим замонлардан уй хоналарини гўзал дид билан, яхшилаб безатишга катта эътибор берилган. Намойиш этилаётган кашта, палак, гилам ҳамда металлдан ясалган зеб-зийнат безаклари ўзбек халқи гўзаллиқни нақадар қадрлаганининг ёрқин ифодалидир. Музейда заргарлик буюмларининг турли замонларда тайёрланган аjoyиб нусхаларидан намуналарни кўрасиз. Шунингдек, музейга намойиш қилиш учун қўйилган Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қўқон, Марғилол, Ургут, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент хўнарамдларининг тўқимачилик буюми намуналари ҳар бир томошабин диққатини тортади. Намойишга қўйилган ип-газлама, ипақдан тикилган турли хил, бир-биридан чиройли, гўзал либослар, хотин-қизларнинг тақинчоқлари, заргарлик буюмлари ҳам кўзни қувонтиради. Хуллас, музей экспозициясига қўйилган минглаб

мизнинг узок ўтмиши, бой тарихини ифодалайди.

Бир сўз билан айтганда, аҳдодаларимизнинг уч минг йиллик давлатчилик тарихидан тортиб, то бугунги кунимизгача ёрқин акс эттирувчи минглаб экспонатлар музей залига даврма-давр тартибида ва тушунарли қилиб жойлаштирилган. Тарих музейи экспонатлари билан танишиш истагида бўлган республикамиз, қўшни республика ва вилоятлар фўқоролари сони йил сайин ортиб бормоқда.

Агар рақамларга эътибор берсак, 2004 йил ва жорий 2005 йилнинг тўрт ойида тарих музейига келганлар сони 200.000 мингдан ошиб кетган. Хорижий давлатлар — Франция, Германия, Америка, Япония, Австралия, Малайзиядан келган сайёҳлар ва меҳмонларнинг сони ҳам анчагина. Хорижлик меҳмонларнинг қўлчилиги Самарқанд, Варахша, Болаликтепа, Фаёзтепа деворий расмларига, тангалар, ўзбек хотин-қизларининг қадимги кийимларига, заргарлик ва зардўзлик буюмларига жуда қизикиб билан қарайдилар. Шунингдек, уларни Ўзбекистоннинг Истиклол йилларида қўлга киритган улкан ютуқлари кўпроқ қизқиради. Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспонатларининг энг қадимий ва ноёблари Америка, Австралия, Малайзия, Германия, Франция, Япония шаҳарларида намойиш этилиб, юксак баҳоланди. Музей жамоаси олиб бораёт-

фасида. Музей ходимлари ўрта мактаблар, академик лицейлар, касб-хўнар коллежлари ҳамда олий ўқу юртилари талабаларига иштирокида музей қошида маънавият машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб турадилар. Шунингдек, музей ходимлари Миллий университетнинг тарих факультети талабаларига Ўзбекистон тарихи бўйича музейда дарс ўтишда, Мадааният институти талабаларига музейшунослик бўйича дарс ўтишда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тарихи давлат музейи халқимизнинг узок ўтмиши маданияти, давлатчиликнинг тарихий атиқалар ва кейинги даврларга тегишли бой ва қимматли топишлар билан янада бойитилди ва бу экспонатлар асосида оммага, айниқса ёшларимизга кенг тушундириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда ва бу ўз самарасини бермоқда.

Музей — тарих кўзгуси. У халқ ва миллат тарихини ўрганишга ундайди. Халқимизда "Минг бора эшитгандан бир марта кўрган афзал", — деган нақл бор. Бинобарин, бутун дунё халқларининг эътиборига тушган қадим Тошкентдаги ушбу ноёб ёдгорликлар хазинасига ташриф буюрсангиз — маънавий-маърифий билимларингиз ошади, албатта.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ**

*Мунажжим башорати*

**ИСТИҚБОЛЛИ ТАҚЛИФЛАРДАН  
ҒОЙДАЛАНИНГ**

19 МАЙ, ПАЙШАНБА

Мунажжимлар бугун воқеалар кутилмаган йўналиш олиши, келажак билан учрашувлар ҳамда истиқболли тақлифлар кунни эканини башорат қилишди. Манфаатли тақлифларни рад этманг.

Куннинг биринчи ярми фаол ҳаракатлар, кескин вазиятларни бартараф этиш, дадиллик ҳамда янги ишларга бемалол қўл урса бўладиган пайт ҳисобланади. Таъмирлаш ва қурилиш ишларига, хоналарни йиғиштириш, полларни ювиш, кийим-кечакларни сотиб олиш ҳамда чорбоғда жисмоний меҳнат билан машғул бўлиш қулай кечади.

Соат кечки бешдан кейинги вақт ўзаро ярашиш, муносабатларни тиклаш учун фоят қулай пайт ҳисобланади. Сайёраларнинг Ерга нисбатан жойлашиши шундан

далолат беради. Ўзаро жанжаллашиш ва жаҳлга эрк бериш ман этилади. Чунки газав ва тажовузкорлик саломатлигингизга салбий таъсир қилади.

Яхшиси - раҳмдиллик ва меҳр-муруват кўрсатинг, сабр-қаноатли ва хайрихоҳ бўлинг, беморлар ва муҳтожларга ёрдам беринг. Меҳмондорчилик уюштириш, чиққ кўнгиллик ва саҳийликни намойён этинг. Ўз қобилингизга ўралашиб қолманг ва тушунлик кайфиятига берилманг.

Ҳар қандай кутилмаган нарса, тўхфа яхшилик аломати бўлади. Ҳар қандай чигаллик ҳам бугун ўз ечимини топиб, аниқлик намойён бўлади. Уйингизга учиб кирган қуш сизни кутаётган қувончли ҳодисадан дарак беради. Ойнинг синиши, эшик ёки қўлфнинг бузилиши сизни айрим йўқотишлар, алдов ва нохушлиқлардан огоҳлантиради.

Бу кеча башоратли, кашф этувчи тушлар кўришингиз мумкин. Тушингизга қушлар, отлар ва тақалар кириши беистисно эъзуликлар ва омадингиздан нишона бўлади.

Бугун буйрақлар ва у билан боғлиқ аъзолар хасталиқларга мойил бўлишини ёдингизда сақланг. Шунингдек, юрагингизни зўриқтиришга йўл қўйманг. Либослардан ёрқин рангларини танлашингиз маъқул. Хира, қорамтир ва қуларанг туслардан ўзингизни асранг.

**БУГУН:**

- енгил ва ўзингиз севган ишлар билан шуғулланг;
  - осойишта ва одадий ҳолатда меҳнат қилиб, дам олинг;
  - воқеалар ва аломатларга эътибор қилинг - шу йўл билан келажакнингизни библи оласиз;
  - ўз соғлигингиз, обрў-мартабанингиз ҳақида қайғуринг;
  - қийин ҳолатларда қариндошлар ва қўшнилариға мурожаат қилинг.
- Худбинлик ва жаҳолат, тажовузкорликни намойён этишдан, анча-мунча муҳим ишларга қўл уришдан ўзингизни тийинг.

**Спорт**

**ИККИНЧИ  
ЎРИН БИЛАН  
КИФОЯЛАНИШДИ**

Қисқа тўлкиларда радио алоқаси бўйича очиб Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташкилотчилигида ўтган мусобақаларда 9 та вилоят ҳамда юқоридаги марказнинг радиоалоқа бўйича спортчилари иштирок этди. Телеграф тури ва телефон тури каби икки турдан иборат Кубок бахсларида 48 радиоспортчи — 32 та яққа тартибдаги ва 7 та жамоавий радиостанциялар галаба учун кураш олиб борди.

Кўрсатилган натижалар ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг вилоятлар ўртасида ғолиб жамоаларнинг номи маълум бўлди. Натихада телеграф алоқаси бўйича 125, телефон алоқаси бўйича эса 286 — жами 411 очко жамгарган Сирдарё вилояти радиоспортчилари 2005 йилги Ўзбекистон Кубоги соҳиблари бўлишди.

Шуни таъкидлаш керакки, ғолибдан атиги бир очко ортда қолган шахримиз вакиллари иккинчи ўрин билан кифояланишди.

403 очко жамгарган Самарқанд вилояти телеграф ва телеграф алоқаси усталари га учинчи ўрин nasib этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Мамлакатимиз Истиқлол йилларида кўплаб спорт анжуманлари, нуфузли мусобақалар ўтказилган, бир сўз билан айтганда спорт соҳасида ўз сўзи, ўз овозига эга давлат сифатида шухрат топмоқда. Агар бундан бир ой олдин қадимий ва навқирон Термиз шаҳри дунё полвонларини бағрига олиб, йирик беллашувга гувоҳ бўлган бўлса, яқинда шахримиз яна бир улкан мусобақани қабул қилади. Аниқроғи, шу йилнинг 20-22 май кунлари Тошкентда Кикбоксинг бўйича очиб Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Биз мазкур нуфузли мусобақага кўрилаётган тайёргарлик билан яқиндан танишиш мақсадида кикбоксинг бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, қора белбоғ 4-дан соҳиб, Ўзбекистон Кикбоксинг федерацияси президенти Сардор ТОШХУЖАЕВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

**Кикбоксинг**



**ЧЕМПИОНЛАР  
ЎЗИМИЗДАН ЧИҚСИН**

— Сардор Аманович, айтингчи, илгари ҳам юртимизда Осиё чемпионлари ўтказилганми? Мазкур нуфузли мусобақанинг ташкилотчилари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, очиб Осиё чемпионати беллашувлари мамлакатимизда иккинчи мартаба ўтказилиши. Илгариги Осиё чемпионати бундан икки йил аввал — 2003 йилда шахримиздаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтказилган эди. Унда Марказий Осиё давлатлари билан бир қаторда Украина, Белоруссия, Россия сингари мамлакатларнинг спортчилари ҳам қатнашганди.

Энди бевосита бу галги чемпионат ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, беллашувлар «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бўлиб ўтади. Шу ўринда турирнинг асосий ташкилотчиси Республика Миллий Олимпия қўмитаси эканлигини ҳам айтиб ўтишни истардим.

— Чемпионатнинг олдига қўйган асосий мақсади қандай?

— Маълумки, ҳозир бутун дунё гиевандлик сингари иллатлар хуружидан азият чекмоқда. Энг ачинарли томони, унинг чиркин турлари бизнинг айрим заиф характерли ёшларимизни ҳам ўз домига тортимоқда. Шу боис, биз мазкур чемпионат ширини «Кикбоксинг — гиевандлик, терроризм ва жиноятга қарши» деб белгилдик. Ҳайлай-

мизки, бугун ўзининг мустақил ҳаёт тарзидан янглишган, гиевандлик ва терроризм қўтқуларига мойил ёшларимиз ушбу мусобақалардан илҳомланиб спортга меҳр қўйса ажаб эмас.

— Мусобақаларда нечта давлатдан қанча спортчи иштирок этади?

— Очиб Осиё чемпионатида 22 та давлатдан келган 400 дан ортиқ кикбоксинг усталари қатнашади. Яъни турнирда Афғонистон, Покистон, Украина, Россия, Мўғулхон, Хитой, Кувейт, Марказий Осиё давлатлари, Эроннинг етакчи кикбоксинг усталари галаба учун кураш олиб боришади. Шунингдек, чемпионат арасида Осиё Кикбоксинг федерацияси президенти Муҳаммад Маночери иштирокида семинар ҳам ташкил этилади. 22 майда эса профессионаллар ўртасида мусобақа ўтказилади ва унда ҳамюртимиз, жаҳон чемпиони Темир Муҳаммаджонов эронлик кикбоксинг устаси Сайид Хедарийга қарши рингга чиқади. Ушбу жангда етакчи спортчимиз чемпионлик камарини ҳимоя қилади.

— Ана шундай нуфузли турнир олдидан кўнглингиздан қандай ҳислар кечмоқда?

— Кўнглида тилаклар бисёр. Ниятим шуки, мамлакатимиз кикбоксинг усталари орасидан кўпроқ чемпионлар етишиб чиқсин. Улар ҳаммамизнинг ишончимизни оқласин. Назаримда спортчи учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак. **Хидирли ПАНЖИЕВ суҳбатлашди.**



**Футбол**

**МУРОСАСИЗ  
БЕЛЛАШУВ**

**ЎТГАН КУНИ**

Қарши шаҳрида ўтказилган «Насаф» — «Пахтакор» ўртасидаги учрашув билан мамлакат XIV миллий чемпионатининг еттинчи тур бахслари ниҳоясига етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Насаф» ва «Пахтакор» ўртасидаги бахслар доим муросасиз, шиддатли курашларга бой тарзда кечган. Бу сафар ҳам шундай бўлди. «Насаф» стадионини лик тўлдириб ўтирган муҳлислар ажойиб беллашувнинг гувоҳига айланди. Очигини тан олиш керак, «Ўз уйингда деворлар ҳам суйайди», деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки мазкур беллашув майдон эгаларининг устулгида ўтди. Учрашувнинг бошланишидан то итирма бешинчи дақиқача меҳмонлар дарвозаси томон уюштирилган хавфли ҳужумлар самара берди. «Насаф» футболчиси Вали Келдиев 25-дақиқада аниқ ҳаракат қилиб жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Бирок чемпион жамоа ҳам тезда қарши ҳужумлар уюштиришга ҳаракат қилди. 43-дақиқада Желаровнинг пенальтидан йўлланган тўпини дарвозабон қайтаришга ожизлик қилди.

Иккинчи бўлим янада шиддатли ҳужумларга бой кечди. Мезонлар ҳам, меҳмонлар ҳам дарвозалар олдида тез-тез хавфли вазиятлар, чиройли комбинациялар уюштиришди. Аввалига 51-дақиқада Аннаматов, сўнгра 63-дақиқада Қошелевлар томонидан йўлланган зарбалар аниқ амалга оширилди. Гўе учрашув 2:2 ҳисобида яқунлангандак эди.

Бирок 71-дақиқада терма жамоамизнинг моҳир ҳужумчиси, «Насаф» аъзоси Зафар Холмуродов жамоадоллари бошлаб берган комбинацияни қойилмақом тарзда яқунга етказди. Учрашув охирига қадар пахтакорчилар мезонлар дарвозаси томон шиддатли ҳужумлар уюштиришларига қарамай 3:2 ҳисоби ўзгармай қолди.

Шу галабадан сўнг «Насаф» 19 очко билан турнир жадалининг энг юқори поғонасини эгаллаб олди. Рақибларидан бир ўйин кам ўтказган пахтакорчилар иккинчи ўринни банд этиб туришибди.

Миллий чемпионатнинг навбатдаги 8-тур беллашувлари 20,21-май кунлари бўлиб ўтади. **Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbиркорлар диққатига!**  
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:  
**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» республика бирлашмаси**  
**Тошханбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирқи**  
Бутун жаҳонга машҳур масхарабозлар, шунингдек аралаш хайвонларнинг катта гуруҳи иштирокида **КАТТА ВА РАНГ-БРАНГ ДАСТУР**  
Томошалар шанба, яқшанба кунлари соат 15.00 да бошланади. 21, 22, 28, 29 май ва 1 июнда 15.00 да бошланади. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўлашни мумкин. **Касса соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

**“YANGIOBOD IXTISOSLASHGAN BOZORI” ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЈАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА !**  
**“Янгиобод” ихтисослашган бозори ОАЖ акциядорларининг 2005 йил 30 апрелда бўлиб ўтган навбатдаги умумий мажлиси қуйидаги қарорларни қабул қилди:**

1. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосаси тасдиқлансин.
3. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тасдиқлансин.
5. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси тасдиқлансин.
6. Жамиятнинг 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича соф фойда қуйидаги тақсимлансин:  
Олинган соф фойда 12193,6 минг сўм  
Жамият раҳбарини мукофотлашга 1219,3 минг сўм  
Қолган соф фойда миқдори ва унинг тақсимланиши: 10974,3 минг сўм  
Жамиятнинг заҳира жамғармасига 10974,3x10% 1097,4 минг сўм  
Жамиятнинг ривожлантириш жамғармасига 10974, 3x10% 1097,4 минг сўм  
Дивиденд тўлашга 8779,5 минг сўм  
Ҳар бир акцияга 38,83 сўм
7. Жамият бошқаруви раиси этиб 1 йил муддатга М.Ибодов тасдиқлансин.
8. Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин: А.Мамадиев, Ф.Мирҳайдаров ва Л.Сагдуллаев.
9. Жамиятнинг 2005 йил учун-иш режаси (бизнес-режа) тасдиқлансин.
10. Жамиятнинг 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.
11. Жамиятнинг 2005 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб “Аудит 2” Аудиторлик хусусий фирмаси тасдиқлансин.
12. Жамият мулкчилик шаклини ўзгартириш Тошкент шаҳар ҳокимига қайта мурожаат этилгандан сўнг ҳокимнинг муносабати белгисига кўра амалга оширилсин.
13. Жамият Низомига киритилган ўзгартиришлар тасдиқлансин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин.

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**  
Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Буюртма Г-407.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажми — 2 босма тираж офсет усулида босилди.  
3724 нусхада босилди. Қўғам бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида тартибли ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашрий-матбоа акциядорлик компанияси босмоқчиси.  
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.